



НОТИНЧ ОИЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
кафедраси ўқитувчиси, майор

Бозорбоев Жавоҳир Дилшод ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 312-ўқув гуруҳи
курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17531223>

ARTICLE INFO

Received: 1st November 2025
Accepted: 2nd November 2025
Published: 5th November 2025

KEYWORDS

Профилактика
инспектори, нотинч оила,
профилактика фаолияти,
ижтимоий хавф,
самарадорлик,
ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси.

Жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда оила институтининг роли беқиёсдир. Бироқ айрим оилалардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар, ички низолар ва зўравонлик ҳолатлари ҳуқуқбузарликлар манбаи сифатида намоён бўлмоқда. Шу сабабли нотинч оилалар билан ишлаш масаласи ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг

24-моддасида [1] махсус профилактика чоралари доирасида жиноятчиликка мойил шахслар ва хавфли ижтимоий муҳитдаги гуруҳлар билан индивидуал ишлаш белгиланган бўлиб, бу амалда нотинч оилаларни эрта аниқлаш ва улар билан тизимли иш олиб боришни тақозо этади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон қарори [2] билан Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссия фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бу соҳадаги идоралараро мувофиқлаштириш механизмларини белгилаб берди. Кейинчалик, 2024 йил 30 октябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг ВМ-801-сон [3] қарори (“Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида) маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш, фуқаролар билан ишлаш усулларини такомиллаштириш ва профилактика инспекторлари фаолиятини янги босқичга олиб чиқишни назарда тутди.

ABSTRACT

Мазкур мақолада нотинч оилалар билан ишлашда профилактика инспектори фаолиятини самарали ташкил этишнинг ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари ёритилган. Шу билан бирга, мазкур соҳадаги муаммолар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган

Шу билан бирга, 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сонли [4] қарор орқали маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг янги механизмлари жорий этилди, 2025 йил 18 августдаги ПҚ-253-сон қарор [5] эса профилактика фаолиятида идоралараро ҳамкорлик ва масъулиятни кучайтиришга қаратилган.

Айнан шу норматив-ҳуқуқий асослар доирасида профилактика инспекторининг нотинч оилалар билан ишлаш фаолиятини самарали ташкил этиш — маҳаллаларда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, зўравонлик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мазкур йўналишда амалий механизмларни такомиллаштириш, ҳуқуқий ва ташкилий асосларни мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида фуқароларнинг ижтимоий барқарорлиги, маънавий-ахлоқий тарбияси ва жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга, айрим оилалардаги ички низолар, зўравонлик ҳолатлари, сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандликка мойиллик жамиятда “нотинч оила” тушунчасини шакллантирган.

Амалдаги қонунчиликка кўра, **оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарлик** — бу оила аъзолари ёки шажара бўйича қариндош шахслар ўртасида содир этилган, Ўзбекистон Республикасининг **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** ва **Жиноят кодекси**да жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Шу асосда, **нотинч оила** деганда — оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарлик содир этилган, ички низолар мавжуд бўлган ёки сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, захарвандликка мубтало бўлган, шунингдек, руҳий ҳолати бузилган шахслар яшайдиган оила тушунилади.

Бундай оилалар билан ишлаш профилактика инспектори фаолиятида алоҳида йўналиш ҳисобланиб, уларни эрта аниқлаш, ижтимоий-руҳий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш орқали жиноятчилик хавфини пасайтиришга қаратилган.

Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишда оилаларни аниқ тоифаларга ажратиш ҳамда улар билан манзилли профилактика ишини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараён профилактика инспекторига хавф даражасини баҳолаш, зарур чораларни белгилаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича самарали қарор қабул қилиш имконини беради.

Шу мақсадда оилаларни қуйидаги тоифаларга ажратиш тавсия этилади:

1 **Носоғлом турмуш тарзини кечираётган оилалар** — бу тоифадаги оилаларда ички низолар, иқтисодий ёки маънавий инқироз ҳолати кузатилади. Улар бўйича профилактик рўйхат (база) юритилиши лозим.

2 **Кам таъминланган оилалар** — ижтимоий ёрдамга муҳтож, иқтисодий қийинчиликда яшовчи оилалар. Улар бўйича мунтазам ҳисобот ва мониторинг тизими йўлга қўйилиши зарур.

3 **Ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган оилалар** — зўравонлик ёки ҳуқуқбузарлик хавфи мавжуд шахслар яшайдиган оилалар бўлиб, улар бўйича **виктимологик мониторинг** олиб борилади.

4 **Спиртли ичимлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар яшайдиган оилалар** — бундай оилалар билан профилактик суҳбатлар, соғлом турмуш тарзи бўйича тарғибот ишлари ва тиббий кўмак чоралари тизимли йўлга қўйилиши лозим.

Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси бўйича қуйидаги йўналишлардаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1) бириктирилган ҳудуддаги ҳар бир оилани айланиб чиқиш, нотинч оилаларни аниқлаш, уларни ҳисобини юритиш, оила-турмуш доирасида низолар содир этилишига

йўл қўймаслик мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактик чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

2) оилавий жанжаллар оқибатида юзага келган эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, отаонава фарзанд, қайнона-келин, қариндош-уруғлар ўртасида содир этилган низолар туфайли бузилган муносабатларни тиклаш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан амалий чора-тадбирларни амалга ошириш;

3) ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган, нотинч ва кам таъминланган оилаларни аниқлаш, уларни рўйхатини шакллантириш ҳамда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш юзасидан ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотинқизлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда чора-тадбирларни амалга ошириш;

4) оилада миллий қадрият ва урф-одатларга зид, ахлоқ-одоб доирасидаги ножўя ҳатти-ҳаракатларга йўл қўяётган, ғайриижтимоий ҳулқ-атворли, тарбиявий таъсир чораларига мухтож бўлган, оилада ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслар аниқлаб улар билан тарбиявий профилактик ишларни кучайтириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 августдаги 438-сон “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла

ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги қарорига кўра Фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ваколатларни амалга оширади деб кўрастилган [6].

Жумладан, ҳудуддаги ҳар бир оилани ўрганади, нотинч оилаларни аниқлайди ва улар билан профилактик ишлар олиб боради, шу жумладан, мутасадди ташкилотлар билан уларнинг маиший ва бошқа муаммоли масалаларини ҳал этишга кўмаклашади;

Бугунги кунда нотинч оилалар билан ишлашда профилактика инспектори фаолиятини самарали ташкил этиш учун хориж тажрибасини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Бу борада мустақил изланувчи Ҳ.Қ. Бабаханов [7] мақоласида шундай таъкидлайди “Бизнинг фикримизча ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда хорижий тажриба кўрсатадики, самарали профилактика нафақат жазо чораларига, балки жамиятнинг турли қатламларини қамраб олган кенг қамровли ёндашувларга асосланади” [7, 88-93 б].

Хулоса қиладиган бўлсак, нотинч оилалар билан ишлашда профилактика инспектори фаолиятини самарали ташкил этиш жамиятда барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу йўналишда профилактика инспектори нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий, маънавий ва психологик жиҳатдан ҳам чуқур ёндашувни талаб этади. Ҳар бир оиланинг ички муҳитини ўрганиш, низоли ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларни ҳал этиш бўйича тизимли чоралар кўриш профилактик иш самарадорлигини оширади.

Шунингдек, фуқаролар йиғинлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маҳалла фаоллари ҳамда жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик орқали оилавий можароларнинг олдини олиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва ёшлар онгини соғлом руҳда тарбиялаш имкони яратилади. Бундай комплекс ёндашув орқали нотинч оилалар сонини камайтириш, жиноятчиликка мойил муҳитни бартараф этиш ва жамиятда соғлом оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга эришилади.

Фойданалган адабиётлар:

1. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 октябрдаги ВМ-801-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сонли қарор.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги ПҚ-253-сон қарор.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 августдаги 438-сон қарори.
7. 2. Қадамович Б. Ҳ., Узоқов Ф. Ф. Ў. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 88-93.

